

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **164 Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ- лаш ҳақида**

«Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тарти-би тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, «Ўзпах-тасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг зиммасига суғурта уруғлик фондини ташкил этиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тадбирларини қонунчиликка қатъий мувофиқ ҳолда амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 3 апрель,  
80-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 3 апрелдаги 80-сон қарорига  
ИЛОВА

## Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**уруғлик тайёрловчи** — тузилган шартномалар асосида, белгиланган тартибда уруғликни қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш учун тегишли шароитларга эга бўлган юридик (қайта ишлаш корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари, тажриба хўжаликлари) ёки жисмоний шахс;

**асосий уруғлик фонди** — асосий экиш учун тайёрланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари;

**суғурта уруғлик фонди** — имкониятлари чекланган минтақаларга ҳамда халқаро шартномаларга мувофиқ экспортга етказиб бериш учун, шунингдек табиий офатлар эҳтимолини назарда тутган ҳолда ва бошқа мақсадларда захира учун қолдирилган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари.

### II. Ғўза ва бошоқли дон экинларининг суғурта уруғлик фондини ташкил этиш тартиби

3. Суғурта уруғлик фонди учун уруғликларни етиштириш ҳажмлари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

уруғлик чигит учун — келгуси йилда ғўзанинг асосий уруғлик фонди учун етиштириладиган уруғлик прогноз ҳажмининг 10 фоизигача;

бошоқли дон экинлари уруғликлари учун — келгуси йилда бошоқли дон экинларининг асосий уруғлик фонди учун етиштириладиган уруғлик прогноз ҳажмининг 3 фоизигача.

4. Республика бўйича келгуси йилга суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг ҳажмлари уруғлик чигитни тайёрлаш бўйича тасдиқланган топшириқлар ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг қўшма

қарори билан тасдиқланади. Бунда суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг ҳажмлари, ғўза ва бошоқли дон экинларининг селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонларини аниқлаган ҳолда, ҳудудлар бўйича тасдиқланади.

5. Ҳудудлар бўйича суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг ҳажмлари тўғрисидаги қўшма қарор уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ҳудудий бўлинмаларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига етказилади.

6. Ҳудудлар бўйича суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг тасдиқланган ҳажмлари асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ўзларининг қўшма қарори билан туманлар бўйича суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғлари ҳажмларини тасдиқлайди.

7. Туманлар бўйича суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг ҳажмлари тўғрисидаги қўшма қарор уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг туман бўлинмаларига, шунингдек туманлар ҳокимликларига етказилади.

### **III. Ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг суғурта уруғлик фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш**

8. Туманлар бўйича суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг тасдиқланган ҳажмлари асосида туман ҳокими аниқ уруғчилик хўжалиklarини, шунингдек асосий уруғлик фондининг уруғлик етиштириш ҳажмларига қараб суғурта уруғлик фонди улушини белгилайди.

9. Ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғликларини етиштириш белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов якунларига мувофиқ аниқланган тегишли хўжалиklar томонидан амалга оширилади.

10. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган уруғлик чигит белгиланган тартибда «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг корхоналарида ёки уруғлик чигит тайёрловчи бошқа цехларда, бошоқли дон экинлари уруғликлари эса — «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси корхоналарида қайта ишланади.

11. Ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғлари сифатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази лаборатория таҳлилларини ўтказиши ва уларнинг натижалари бўйича кейинги йилда экиш учун хулосалар берилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ёки «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг тегишли қўшма қарорига мувофиқ суғурта уруғлик фонди асосий уруғлик фондининг ишлатилмай қолган ва кейинги йилга ўтадиган ғўза ёки бошоқли дон экинлари уруғликлари захиралари ҳисобига ҳам тўлдирилиши мумкин.

13. Суғурта уруғлик фондининг уруғлик чигитлари белгиланган тартибда «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг пахта қабул қилиш корхоналарида ёки уруғлик чигит тайёрловчи бошқа цехларда, бошоқли дон экинлари уруғликлари эса — «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг дон қабул қилиш корхоналарида амалдаги стандартларга мувофиқ сақланади.

14. Суғурта уруғлик фондининг ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғлари кўпи билан бир йилгача сақланади.

15. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини фермер ва деҳқон хўжаликларида сақлашга йўл қўйилмайди, улар уруғлик тайёрловчилар ҳисобланадиган ҳолатлар бундан мустасно.

16. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарининг ёки уруғлик чигит тайёрловчи бошқа цехларнинг, шунингдек «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси корхоналарининг суғурта уруғлик фонди учун ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини жамғариш, қайта ишлаш ва сақлаш харажатлари сотилинадиган уруғликлар таннархига киритилади.

17. Суғурта уруғлик фондининг ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари комплекси раҳбари билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қарорлари асосида уларни имкониятлари чекланган минтақаларга етказиб бериш учун, шунингдек табиий офатлар эҳтимоли ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

18. Табиий офатлар рўй берган ҳолларда суғурта уруғлик фондининг ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларидан фойдаланиш учун мазкур Низомнинг 2-иловасига (ғўза учун) ва 3-иловасига (бошоқли дон экинлари учун) мувофиқ шакллар бўйича далолатномалар расмийлаштирилади.

19. Суғурта уруғлик фондининг ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини имкониятлари чекланган минтақаларга етказиб бериш учун улардан фойдаланишга тегишли минтақалар раҳбарларининг буюртманомалари асос ҳисобланади.

20. Суғурта уруғлик фондининг ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини халқаро шартномаларга мувофиқ етказиб бериш учун улардан фойдаланишга Ҳукуматнинг тегишли қарорлари асос ҳисобланади.

21. Суғурта уруғлик фондининг ишлатилмай қолган уруғликлари кейинги йилда асосий уруғлик фондига ўтказилади ва белгиланган тартибда экилади.

**IV. Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилмайдиган бошқа  
қишлоқ хўжалиги экинларининг суғурта уруғлик  
фондини ташкил этиш тартиби**

22. Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш мақсадида давлат эҳтиёжлари учун етиштирилмайдиган бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш хажми (кейинги ўринларда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари деб аталади), уруғлик сарфи бўйича ўртача кўп йиллик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилда тегишли қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий уруғлик фондига етиштириладиган уруғлик прогноз хажмининг 3 дан 5 фоизигача миқдорида белгиланади.

23. Кейинги йилда суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг ҳажмлари ҳудудий фермерлар кенгашлари ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш бўйича таклифлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланади. Бунда суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг ҳажмлари, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонларини белгилаган ҳолда туманлар бўйича тасдиқланади.

Туманлар бўйича суғурта уруғлик фондининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш ҳажмлари, селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонлари ҳудудий фермерлар кенгашлари ва туманлар ҳокимликларига етказилади.

24. Туманлар бўйича суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун етиштириладиган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг тасдиқланган ҳажмлари асосида туман ҳокими аниқ уруғчилик хўжаликларини, шунингдек асосий уруғлик фондининг уруғлик етиштириш ҳажмларидаги суғурта уруғлик фонди улушини белгилайди.

25. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш тегишли хўжаликлар томонидан амалга оширилади.

26. Суғурта уруғлик фонди ташкил этиш учун етиштирилган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари белгиланган тартибда уруғлик тайёрловчилар томонидан қайта ишланади.

**V. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа  
қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сақлаш ва  
улардан фойдаланиш**

27. Суғурта уруғлик фондининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари амалдаги стандартларга мувофиқ, уруғлик тайёрловчиларда кўпи билан бир йилгача сақланади.

28. Уруғликлар сифатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари

уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази лаборатория таҳлилларини ўтказади, уларнинг натижалари асосида кейинги йилда экиш учун хулосалар берилади.

29. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини жамғариш, қайта ишлаш ва сақлаш харажатлари сотиладиган уруғликлар таннархига киритилади.

30. Суғурта уруғлик фондининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларидан белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қарорлари асосида уларни имконияти чекланган минтақаларга етказиб бериш учун, шунингдек табиий офатлар ҳолатида ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

31. Суғурта уруғлик фондининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини халқаро шартномаларга мувофиқ етказиб бериш учун улардан фойдаланишга Ҳукуматнинг тегишли қарорлари асос ҳисобланади.

**Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
<b>Ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғлари учун</b>			
1-босқич	Худудлар бўйича суғурта уруғлик фонди учун ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳажмлари, селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонлари бўйича қўшма қарор қабул қилиш. Қўшма қарорларни худудларга етказиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	10 январгача (ғўза), 10 июлгача (бошоқли дон)
2-босқич	Туманлар бўйича суғурта уруғлик фонди учун ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини етиштириш ҳажмлари, селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонлари бўйича қўшма қарор қабул қилиш. Қўшма қарорларни туманларга етказиш.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	13 январгача (ғўза), 13 июлгача (бошоқли дон)
3-босқич	Аниқ уруғчилик хўжалиklarини белгилаш ҳамда келгуси йил ҳосили учун асосий уруғлик фондининг уруғлик ҳажмларига қараб суғурта уруғлик фондининг улушини аниқлаш.	Туманлар ҳокимликлари	1 мартгача (ғўза), 15 августгача (бошоқли дон)
4-босқич	Ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғликларини етиштириш.	Худудий фермерлар кенгашлари, белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов натижаларига мувофиқ аниқланган уруғчилик хўжаликлари	Агротехника муддатларида
5-босқич	1. Суғурта уруғлик фонди учун тайёрланган уруғликларни пахта ва дон қабул қилиш корхоналарида қайта ишлаш.	1. «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, уруғлик тайёрлаш бўйича бошқа цехлар	1. 1 мартгача (ғўза), 25 августгача (бошоқли дон)

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
	2. Сугурта уруғлик фонди учун тайёрланган гўза ва бошоқли дон экинлари уруғларининг сифатини аниқлаш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш ва тегишли хулосалар бериш.	2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази	2. Доймий равишда
6-босқич	Сугурта уруғлик фонди учун тайёрланган гўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини сақлаш.	«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси	Бир йилдан ортиқ эмас
7-босқич	Сугурта уруғлик фонди учун тайёрланган гўза ва бошоқли дон экинлари уруғларидан фойдаланиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий фермерлар кенгашлари, фермер хўжаликлари	Мақбул агротехника муддатларида ва зарур ҳолатларда
Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
<b>Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари учун</b>			
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимларининг таклифларига асосан туманлар бўйича бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш ҳажмлари, селекция навлари ва репродукцияларини жойлаштириш майдонларини белгилаш. Қарорларни туманларга етказиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, ҳудудий фермерлар кенгашлари, туманлар ҳокимликлари	Экишдан 15 кун олдин
2-босқич	Уруғчилик хўжаликларини белгилаш ҳамда келгуси йил ҳосили учун асосий уруғлик фондининг уруғлик ҳажмларига қараб сугурта уруғлик фондининг улушини аниқлаш.	Туманлар ҳокимликлари	Экишдан 10 кун олдин
3-босқич	Бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш.	Ҳудудий фермерлар кенгашлари, уруғчилик хўжаликлари	Агротехника муддатларида
4-босқич	1. Сугурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини қайта ишлаш. 2. Сугурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг сифатини аниқлаш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш ва тегишли хулосалар бериш.	1. Уруғлик тайёрловчилар 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази	1. Экишдан 10 кун олдин 2. Доймий равишда



Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
5-босқич	Сугурта уруғлик фонди учун тайёрланган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сақлаш.	Уруғлик тайёрловчилар	Кўпи билан бир йил
6-босқич	Сугурта уруғлик фондидаги бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини имкониятлари чекланган минтақаларга, халқаро шартномалар бўйича, шунингдек табиий офатлар эҳтимолини назарда тутган ҳолда ва бошқа мақсадлар учун етказиб бериш учун улардан фойдаланиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий фермерлар кенгашлари, фермер хўжаликлари, экспорт ва импорт қилувчилар	Мақбул агротехника муддатларида ва зарур ҳолатларда

Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

**ДАЛОЛАТНОМА**

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ (сана)

Биз, қуйидаги таркибдаги комиссия аъзолари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., лавозими)

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманидаги \_\_\_\_\_ фермер хўжалигининг ғўза экилган \_\_\_\_\_ гектар майдони \_\_\_\_\_ (сана)

(зарарланиш сабаблари)

сабабли зарарланганлигини аниқладик.

Мазкур майдоннинг \_\_\_\_\_ гектарига қайта экиш учун (ёки оласига экиш учун) \_\_\_\_\_ тонна (тукли, туксиз) уруғлик чигит талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманининг \_\_\_\_\_ фермер хўжалигига \_\_\_\_\_ тонна \_\_\_\_\_ ғўза нави (ёки ушбу минтақа учун навларни жойлаштириш тартибига асосан белгиланган бошқа навлар)нинг \_\_\_\_\_ партия, \_\_\_\_\_ репродукцияли (тукли, туксиз) уруғлик чигити \_\_\_\_\_ корхонаси ҳузуридаги \_\_\_\_\_ уруғлик чигит сотиш шохобчасидан суғурта уруғлик фонди ҳисобидан ажратилишини зарур деб ҳисоблаймиз.

**Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари** \_\_\_\_\_

**Туман фермерлари кенгаши вакили** \_\_\_\_\_

**«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси вакили** \_\_\_\_\_

**«Ўздавуруғназоратмарказ» туман инспекцияси раҳбари** \_\_\_\_\_

**«Ўзгидромет» вакили** \_\_\_\_\_

**Фермер** \_\_\_\_\_

Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**ДАЛОЛАТНОМА**

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ (сана)

Биз, қуйидаги таркибдаги комиссия аъзолари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., лавозими)

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманидаги,  
\_\_\_\_\_ фермер хўжалигининг бошоқли дон экилган \_\_\_\_\_ гектар майдони \_\_\_\_\_ да  
(сана)

(зарарланиш сабаблари)

сабабли зарарланганлигини аниқладик.

Мазкур майдоннинг \_\_\_\_\_ гектарига қайта экиш учун \_\_\_\_\_ тонна бошоқли дон экинлари уруғлари талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, \_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ туманининг \_\_\_\_\_ фермер хўжалигига \_\_\_\_\_ тонна \_\_\_\_\_ бошоқли дон экинлари нави (ёки ушбу минтақа учун навларни жойлаштириш тартибига асосан белгиланган бошқа навлар)нинг \_\_\_\_\_ партия, \_\_\_\_\_ репродукцияли бошоқли дон экинлари уруғлиги \_\_\_\_\_ корхонаси ҳузуридаги \_\_\_\_\_ шохобчадан суғурта уруғлик фонди ҳисобидан ажратилишини зарур деб ҳисоблаймиз.

**Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари**

\_\_\_\_\_

**Туман фермерлари кенгаши вакили**

\_\_\_\_\_

**«Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг дон маҳсулотлари корхонаси вакили**

\_\_\_\_\_

**«Ўздавуруғназоратмарказ» туман инспекцияси раҳбари**

\_\_\_\_\_

**«Ўзгидромет» вакили**

\_\_\_\_\_

**Фермер**

\_\_\_\_\_